

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14827448>

## СУРХОН ВОҲАСИ АЁЛЛАРИНИНГ МАИШИЙ ТУРМУШ АНЪАНАЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)

**Ибрагимова Муслима Юлдашевна**

Тарих фанлари буйича фалсафа фанлари (Ph.D) доктори

Ренессанс таълим университети.

***Аннотация:** Мақолада XIX аср охири-XX аср бошларида Сурхон воҳаси аёлларининг анъанавий маиший турмуш анъаналари яъни пардоз бериш, соч, юз парваришининг анъанавий усуллари, маҳаллий, табиий косметик ашёлар ва уларни тайёрланиши, фойдаланиши усуллари, пардоз ва безак буюмлари этнографик дала маълумотлари ва илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** Анъанавий пардоз буюмлари, анъанавий пардоз усуллари, соч парваришининг маҳаллий усуллари, соч билан боғлиқ ирим-сиримлар, пардоз буюмлар-дандонковак, баракхўрак, муйчинак, “пеишхалта”, “тишиқоли”, зулф, сочпопук, косметик ашёлар ўсма, хина, сурма.*

***Аннотация:** В статье на основе этнографических полевых данных и научной литературы анализируются традиционные бытовые традиции женщин Сурханского оазиса в конце XIX - начале XX веков, то есть традиционные способы нанесения макияжа, ухода за волосами и лицом, местной, натуральной косметики и ее приготовления, способы использования, макияжа и предметов декора.*

***Ключевые слова:** Традиционные предметы макияжа, традиционные способы макияжа, местные способы ухода за волосами, ритуалы, связанные с волосами, предметы макияжа - дандонковак, баракхорак, муйчинак, «пеишхалта», «тишиқоли», зульф, сочпопук, косметические средства усма, хна, сурмы.*

**Annatation:** *The article, based on ethnographic field data and scientific literature, analyzes the traditional household traditions of women of the Surkhan oasis in the late 19th - early 20th centuries, that is, traditional methods of applying makeup, hair and face care, local, natural cosmetics and its preparation, methods of use, makeup and decorative items.*

**Key words:** *traditional make-up items, traditional make-up methods, local methods of hair removal, ritual, hair-tying, make-up items - dandonkovak, barakkhorak, muychinak, "peshkhalta", "tishkoli", zulf, sochpopuk, cosmetic means usma, henna, surmy.*

Маълумки, аёллар ҳамиша гўзалликка интилиб яшашган ва қадимдан ўзларига оро бериш сирларини билишган. Воҳада аёллар маҳаллий шароитга мос равишда пардоз беришнинг, соч, юз парваришининг анъанавий усулларидан фойдаланганлар. Аввало соч парвариши ва у билан боғлиқ қарашлар ҳақида тўхталсак. Халқимизда сочнинг сеҳрли кучи ҳақидаги анимистик қарашлар ва у билан боғлиқ удумлар, ирим-сиримлар кўп учрайди<sup>1</sup>. Илгари аёлларимиз гарчи яланг бош юрмасаларда, соч турмаклаш ва соч парваришига алоҳида эътибор билан қараганлар. Одатда аёллар сочларини қатиқ билан ювганлар. Кекса ёшли ахборотчиларнинг таъкидлашларича, қатиқ сочни юмшатиш хусусиятига эга экан.<sup>2</sup> Қизлар ҳамиша сочлари узун, толаси мустаҳкам бўлишини хоҳлаганлар ва шу боис улар сочларини эрта кўкламда қор суви, баҳор ёмғири, билан ювишган. Воҳа аёллари соч толаси мустаҳкам бўлиши учун сочларини ўсма суви, тухум сариғи, майса шираси билан ҳам ювганлар. Сочни қорайтириш учун ивителиган гуруч сувидан фойдаланганлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Дунёнинг кўплаб халқларида сочда сеҳрли хусусиятлар мавжуд деб қаралган. Қаранг Тайлор Э.Б. Первобитная культура Москва 1989 С 568

<sup>2</sup> 1333-йилда Термизда меҳмон бўлган Ибн Батутанинг эсдаликларида ёзилишича шаҳар аҳолиси ҳаммомларда бошларини қатиқ билан ювишган бошқа халқлар жумладан Афғонистонда бошни қизил кесак билан ювганлар, чунки қизил кесак сувда яхши кўпиради. Қаранг Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия// Сочинения М 1963 Т 2 С 214 . 19 аср охирида аёлларнинг сочларини қатиқ билан ювганликлари ҳақида қаранг Наливкин .И. Наливкина М Очерки бита женине С 92

<sup>3</sup> Дала ёзуви Бойсун тумани Авлод қишлоғи 1997 йил Қашқадарёда аёллар гулхайри ўсимлигининг илдзини қайнатиб сочларини ювганлар қаранг Шаниязов К.Ш. Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков С 96 Тожикистонда Хуф аёллари гулнинг барги ва танаси билан соч ювганлар Қаранг С 411

Аёлларимиз сочларидаги қазғоқларни тозалашда ҳам табиий маҳсулотлардан фойдаланганлар, бунинг учун суюқ қатикни халтага солиб ундан сизиб чиққан зардоб яъни “сарик сув”га сочларини ювганлар. Маҳаллий уй шароитида думба ёғи билан ишқорни аралаштириб совун тайёрлашган<sup>1</sup>. Ўрта ва кекса ёшдаги аёллар совун ўрнида кул билан ҳам сочларини ювишган<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидланганимиздек, аҳоли орасида соч билан инсоннинг тақдири ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги магик қарашлар кенг тарқалган<sup>3</sup>. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, сочнинг тўкилган толаси ҳеч қачон ташлаб юборилмаган, уни тўплаб девор орасига тикиб қўйишган ёки мевали дарахт остига кўмишган<sup>4</sup>. Чунки сочда кишининг жони, куч-қудрати мужассамлашган, агар соч толаси ерга тушса ёки одам оёғи остида босилса, шу киши бош оғриғи дардига йўлиқади, одамнинг куч-қуввати сочи билан қўшилиб кетади деб ирим қилишган. Мана шунинг учун ҳам ёш чақалоқларнинг сочи бир ёшга тўлгунга қадар олинмаган. Шунингдек, боланинг сочини албатга кекса ёшли, серфарзанд ва сердавлат кишилар, кўпинча бобоси ёки момоси олган<sup>5</sup>. Қозоқ элшуноси А. Толеубаев боланинг дастлабки сочини олишдаги ўзига хос ғамхўрликни парционал магия билан боғлайди<sup>6</sup>. Соч билан боғлиқ бундай одат дунёнинг кўплаб халқларида сақланиб қолган<sup>7</sup>. Ўзбекларда бепуштлар, боласи турмаганлар, баъзан эса ўғли кўп бўлиб, қиз кўришни орзу қилганлар ва ниҳоят, қизлари кўп бўлиб, ўғил тилаганлар туғилган фарзандларининг қорин сочларини олдирганларида муқаддас қадамжоларга, зиёраттоҳларга бағишлаб бир тутам “кокил” қолдириш одатига амал қилган.

<sup>1</sup> Тожикларда поташа қайнатиш йўли билан совун тайёрлаш усули кенг тарқалган совун тайёрлаш усуллари ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қаранг Широкова З.А. Тажики Каратегина и Дарваза С 190

<sup>2</sup> Дала ёзуви Шеробод тумани 1997 йил

<sup>3</sup> Ибтидоий одамлар ҳам сочини ўз танасининг ажралмас қисми, яъни жонли нарса деб билганлар сочни олишдан қўрққанлар, шомонлар қоҳинлар қабила бошлиқлари умуман соч олдирмаганлар Қаранг Фрезер Ж. Золотая ветвь Москва 1986 С 223-226

<sup>4</sup> Худди шундай одат Фарғона водийсида ҳам бўлган Қаранг Аширов А “Авесто”дан мерос маросимлар Б 25

<sup>5</sup> Дала ёзуви Шеробод тумани Шеробод шаҳри 1998 йил

<sup>6</sup> Толеубаев А.Т. Реликти доисламских веровой и семейной обрядности казахов

<sup>7</sup> Фрезер Д. Золотая ветвь С 223-225 Штеренберг л.Я. Первобитная религия в свете этнографии С 60

Аёллар соч ювишда ҳафтанинг яхши, хайрли кунларини танлаб олишиб, уни «сағат куни» деб, соч ювиш ман этилган кунни эса «бесағат кун» деб номлашган. Воҳа қишлоқларида кимдир вафот этган бўлса, шу куни қизлар бош ювишмаган, кекса аёллар эса уч кунгача бош ювишмаган<sup>1</sup>. Марҳум қабрга қўйилгунга қадар соч ювилса, бошга «ўлик яра» тошади, ёки қизларнинг бахти боғланади деб ишонишган. Оилада ота-она ёки яқин киши вафот қилса, эркаклар «марҳумнинг савоби» учун сочларини олдириб ерга кўмганлар. Гўёки нариги дунёда марҳумнинг савоби ва гуноҳлари тортилаётган тарозига солинган марҳумнинг савобларига яқинларининг сочи ҳам қўшилиб, савоб олиб берармиш<sup>2</sup>. Сочга пешонадан юқорига қараб қўйиладиган «фарқ» (арабча - бўлиниш) кўп ҳолларда тўғри тик ҳолда бўлган<sup>3</sup>. Қизлар, келинчаклар ва кекса ёшли аёлларнинг соч ўримлари бир-биридан кескин фарқ қилган. Қизлар 4-8 қатор қилиб соч ўришган, турмушга чиққан аёллар 10-20 қатор, баъзан қалин сочлар 30 - 40 қатор қилиб ўрилган. Оилада биринчи фарзанд туғилгач, аёлнинг сочлари тўзғитилиб, икки ўрим қилиб ўрилган ва сочни бундай ўриш аёлнинг бутун ҳаёти мобайнида сақланган<sup>4</sup>. Сочнинг икки ўрим қилиб ўрилиши қиз боланинг аёлликка ўтиши, яъни жуфтлик белгиси ҳисобланган ва икки ёш бир-бирига ҳар доим яхши бўлиб юрсин деган рамзий маънода икки ўрим сочлар жамалак иплар билан бир-бирига боғлаб қўйилган<sup>5</sup>. Қўнғирот аёлларида қиз болаларнинг соч ўримини ўзгартириш, удуми тўйнинг эртаси куни ўтказиладиган «юз очар» маросимидан сўнг амалга оширилган<sup>6</sup>. Қизлар, келинчаклар сочини бошқа-бошқа аёл ўрган ва бу вазифа жуда хайрли, совоб иш

<sup>1</sup> Дала ёзуви Бойсун тумани Панжоб қишлоғи 1994 йил

<sup>2</sup> Дала ёзуви Бойсун тумани 1997 йил

<sup>3</sup> Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма С 94

<sup>4</sup> Ушбу одат Қоратегин Дарвоза ва Кўлоб тожикларида ҳам бўлган Қаранг Широкова З.А. Традиционная и современная одежда горного Таджикистана С 105

<sup>5</sup> Дала ёзуви Бойсун тумани Пасурхи қишлоғи 1999 йил Варзоб тожикларида қизлар турмушга чиққач сочни уч ўрим қилиб ўрашган. Икки ўрим соч аёлнинг икки марта турмушга чиққанлигини англатар экан. Қаранг Русяйкина С.П. Народная одежда таджиков гармской области// Среднеазиатский этнографический сборник Москва-Ленинград 1959 Вип 2 С 194

<sup>6</sup> Афғонистонда никоҳ куни келиннинг сочи ювилиб, қизлик соч ўрими ўзгартирилган ва бир ўрим соч ўрилган. Қаранг Андреев М.С. По этнологии Афганистана долина Панджир. Материали из поездки в Афганистан в 1926 Ташкент 1927 С 47

сифатида қабул қилинган. Аёллар қулоқдан чаккага тушиб турувчи “зулф” қўйишган. Воҳада бу «зулфак», «қўш зулф», “кокул” деб аталган. Бойсунда яшовчи тожик аёлларининг пешонага, сочнинг фарқидан қулоққа қадар қўйган кокили «пича», «печа» деб аталган ва у тарқатилмаган. Тожик аёллари икки қатор зулф ёки кокул қўйганлар, биринчи қатор кокул қулоқдан чаккага томон, яъни қулоқ устидан, иккинчи қатор зулф пешонадан қулоқ орқасига томон қўйилган»<sup>1</sup>. Келинчаклар зулфлари тўзғимаслиги учун майсани сиқиб унинг шираси ёки ўсма сувини зулфларига суртиб қўйганлар. Қиз болалар уй шароитида сочларига пахтадан йигириб тайёрланган ипларни тақиб қўйишган ва бу чилвир ип «пиликча» ёки «пахта пилик» деб юритилган. Воҳада аёллар сочларига жамалак, соч попук тақишган.<sup>2</sup> Келинлар, қизлар жамалакларига турли хил мунчоқ садаф, тугма, кумуш тангалар осиб безатишган, кекса ёшли аёлларнинг жамалаги оддий қора рангга бўялган ипакли чилвирдан иборат бўлган. Бойсун, Сайроб, Дарбанд, Панжоб, Мачай, Майдон, Пошхурт, Оқтош каби тоғ ва тоғолди қишлоқларида аёллар сочларига узун қора матодан тайёрланиб устига хилма-хил, танга, мунчоқ, тугмалар қадалган “ситора” номли соч безагини тақишган. Одатдан бундай соч безагини турмушга чиқаётган қизлар таққанлар. Шерободда XX аср бошларида никоҳ тўйи маросимларида бой оилалар қизларнинг сочларига вертикал тик ҳолда бирин-кетин 3 қатор соч безаклари таққанлар. Бунда дастлаб ипакли қора чилвирдан, учларига мунчоқ қадалган жамалак солинган ипакли қора чилвирдан учларига мунчоқ қадалган жамалак солинган; ундан кейин кумуш тангалар билан безатилган нуқра пўпак қадалган; сўнгра ундан ҳам пастроққа учларига хилма-хил мунчоқлар қадалган тошкентча мунчоқ пўпак таққанлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Дала ёзуви Бойсун тумани Юқори Мачай қишлоғи 1999 йил

<sup>2</sup> Сочга тақиладиган ушбу тақинчоқлар Республикамизнинг турли ҳудудларида турлича номланган: Зарафшон водийсида Қоратегин ва Дарвоза тожикларида “пучабанд”, “жамалак”, “чура”, “шода” деб аталган. Қаранг Материальная культура таджиков Верховьев Зарафшана Душанбе 1973 С 22 Широкова З.А. традиционная и современная одежда горного Таджикистана С 107

<sup>3</sup> Дала ёзуви Шеробод тумани Ғоз қишлоғи 1999 йил

Хуллас, қадимда аёлларнинг соч турмаги кишининг ёшига, оилавий аҳволига бевосита боғлиқ бўлган. Бойсун тожикларида турмушга чиққан қизлар аввал зулф қўйган, бу келинликнинг асосий белгиси ҳисобланган. Ёш қизларда соч ўримлари 10 – 20 тагача бўлган. Она бўлган ва кекса ёшли аёллар сочи икки ўрим қилиб ўрилган, бу икки ўрим соч жуфтлик, аёллик, оналикнинг рамзий белгиси ҳисобланган.

Аёллар ўзларига пардоз беришда хилма-хил анъанавий усуллардан фойдаланишган. Анъанавий усуллардан бири қошга ўсма қўйишдир. Бунда уй шароитида ўстириладиган ўсманинг барги олиниб, куёшга қўйиб бироз сўлитилгандан сўнг уни кўлда эзгилаб, ажратиб олинган яшил суюқлиги қошларга суртилган<sup>1</sup>. Қизлар ўсмага сочларини бўяганлар, игна учини ўсмага ботириб чаккага, пешонага сунъий хол, кўлларига суртиб билакузук, узуклар ҳосил қилишган. Ўсмадан ташқари қош, кўзга сурма суртилган, сурма шифобахш хусусиятга эга деб қаралган, уни кўз ичига суртишган, сурмадан кўпроқ, кекса ёшли аёллар фойдаланишган. Сурма уй шароитида тайёрланган. Бунда ёғ суртилган пахтадан тайёрланган тасма чироқда ёқилиб, ундан тушган қора кукун мол ёғи, қўй ёғи билан аралаштирилиб, қора ранг берувчи сурма тайёрланган.

Воҳада кўнғирот, тоғчи, қатағон, тожик, чиғатой аёллари тишидаги касалликларни даволаш мақсадида, «тишқоли» билан тишларини бўяганлар<sup>2</sup>. «тишқоли» билан тиш бўяш одати кўпроқ кекса аёлларда кенг тарқалган. Бойсун туманининг Пасурхи қишлоғида ёнғоқ баргини куйдириб тишга қора ранг берганлар<sup>3</sup>. Тишга қўйиладиган “тишқоли”- қиздирилган темирдан ажралиб чиқадиган кукунни писта баргига аралаштириб тайёрланган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Қошларга ўсма қўйиш бутун Туркистонда оммавий тарқалган қараг Краузе И.О. О косметических средствах туземцев. Туркестанского края // Материалы для статистики Туркестанского края Ежегодник С Петербург 1879 Вип 2 С 447-449

<sup>2</sup> Дала ёзуви Шеробод тумани Қооабоғ қишлоғи 1999 й

<sup>3</sup> Аёлларнинг тишларини қорага бўяш усули бу пардоз бериш мақсадида ўлкамиз аёллари орасида кенг тарқалган эди. Қаранг Наливкин В. Наливкина М Очерки бита женщины С 91 Тишларини қора ранга бўяш одати татар аёлларида ҳам кенг тарқалган Қаранг Воробьев Н.Н. Казанские татары С 290 Ягноб тожикларида тишга қора ранг берувчи кукун “холи дандон” деб аталган Қаранг Широкова З.А. Традиционная и современная горного Таджикистана С 165

<sup>4</sup> Краузе И.О. О косметических средствах туземцев туркестанского края С 448

Воҳа аёллари юз парваришида ҳам анъанавий усулларга амал қилишган. Аёллар юзларини чанг, шамол, офтоб таъсиридаи сақлаш, терини юмшатиш мақсадида қатиқ, қаймоқ, мол ёғи, узум баргини, юздаги доғларни кетказиш учун эса эмизикли аёлнинг сутини, анжир мевасининг ширасини ва унинг танасидаги сутини юзга суртишган. Бундан ташқари юздаги доғларни кетказишда ўзига хос косметик усулларни ҳам қўллашган<sup>1</sup>.

Бойсун туманининг тожик-чиғатойлар яшайдиган Сайроб, Дарбанд, Мачай, Пасурхи қишлоқларида аёллар икки қоши ўртасига ҳам сунъий хол қўйганлар, яъни игна рангли суюқликка ботириб олиниб, айлана шаклда кичик қора ва кўк рангли сунъий хол ҳосил қилинган. Худди шундай сунъий хол пешонага, чаккаларга ҳам қўйилган. Юзга, қўлга сунъий хол қўйиш одати воҳада ҳозир бутунлай йўқолиб кетган.

Шаҳарда яшовчи аёллар қошлари текис ва чиройли бўлиши учун қошларидаги ортиқча тукларни ип ва ўтқир учли мўйчинок ёрдамида олиб ташлаганлар<sup>2</sup>. Сурхон қизлари турмушга чиққунларига қадар қош тердиришмаган ва бу одатий хол ҳисобланмаган. Бошқа халқлардаги каби юздаги тукларни олиб ташлаш, яъни юз терисини, тозалаш одати<sup>3</sup> ҳам воҳада учрамайди.

Қизлар, аёллар байрамларда, тўйларда қўл, оёқларини хинага бўяшган<sup>4</sup>, бу анъанавий одат ҳозирга қадар сақланиб қолган. Шеробод туманининг Мунчоқ қишлоғида ўрганилаётган даврда болалар сочини хинага бўяшган,<sup>5</sup> аёллар сочини хина билан буяш эса гуноҳ ҳисобланган<sup>6</sup>. Хинани тайёрлаш, қуритиш, янчиш, қўл ва оёққа қўйиш усуллари барча ҳудудларда бир хил бўлган. Бунда

<sup>1</sup> Тожикистоннинг тоғли қишлоқларида аёллар юзларидаги доғларни кетказиш учун айиқ ёғидан фойдаланишган. Қаранг Широкова З.А. Традиционная и современная одежда горного Таджикистана С 126

<sup>2</sup> Бу косметик амал Ўрта Осиё яҳудийларида кенг тарқалган Қаранг Калантаров Я.И. Средназиатские евреи // народи Средней Азии и Казахстана Москва 1962 С 626

<sup>4</sup> Хина ўсимлигининг барги билан оёқ қўлни бўяш одати бутун Туркистон ўлкасида кенг тарқалган Краузе и.О. О космитических средств туземцев Туркестанского края С 448-449

<sup>5</sup> Қоратегин ва дарвоз тожикларида ҳам болалар сочини хинага бўяш одати маълум бўлган. Қаранг Семенов А.А. Этнографические очерки Зерафшанских гор. Каратегин и дарваза Москва 1903

<sup>6</sup> Дала ёзуви Бойсун тумани, Авлод қишлоғи 1999

хина ўсимлигининг барглари қуритилиб, янчилиб, қўл кафтига нам ҳолатда қўйилган ва қўл мушт ҳолатига келтирилиб, бир парча латта бўлаги боғлаб қўйилган. Оёқарга эса тирноқлар ва товон қисмлари билан қўйилиб, устидан бир бўлак мато билан боғлаб қўйилган., хинадан ўткир сариқ-қизил ранг олинган, оёқ-қўлдаги хина бўёқлари бир ой муддатга қадар кетмаган<sup>1</sup>. Оёқ, қўл ва тирноқларни ранг берувчи ўсимлик сувлари билан бўяш дунёнинг кўплаб ҳудудларида жанубий-шарқий Европа, Осиё ва Африка қитъаларида ҳам кенг тарқалган.<sup>2</sup>

Бутун Республикамизда ўсадиган ва аёллар томонидан косметик ашё сифатида фойдаланиладиган хина ўсимлиги оёқ шишларини даволаб, қўл-оёқнинг иссик ва совуқда қизариши, қаваришини олдини олган ва хина шифобахш гиёҳ сифатида халқ табобатида ҳам ишлатилган<sup>3</sup>. Ўрганилаётган даврда воҳада фабрикаларда тайёрланган атир-упалар бўлмаган. Табиий гиёҳлардан ёки крахмал ва кумуш кукуни каби табиий ашёлардан тайёрланган упалар бозорлардан харид қилинган<sup>4</sup>.

Аёлларнинг анъанавий косметика (пардоз) усуллари билан бирга, пардоз буюмлари ҳам бўлган. Пешхалта, кулоқ тозалагич-“қушковак”; коштергич-“мўйчинак”, “қошчиноқ”, тиш тозалагич – “дандонковак”; бурун тозалагич – “барак хўрак” каби номлари билан аталган. Ҳар бири алоҳида ясалган пардоз буюмлари марказида атирдон турган. Уларнинг барчаси доирасимон халққа тизиб ясалган ва кўкракка тақиб қўйилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Тожикистоннинг тоғли қишлоқларида аёллар хина яхши эниши учун хинага олма ва узум солишган Қаранг Широкова З.А. Традиционная и современная одежда горного Таджикистана С 249

<sup>2</sup> Қаранг Мерешковский К.С. Отчет об антропологической поездке в Крым в 1880 г. // Изв. Русского географического общества С. Петербург 1881 Т 17 Пип 2 С 124

<sup>3</sup> Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи Ташкент 1987 й

<sup>4</sup> Дала ёзуви Шеробод тумани Ғуржак қишлоғи 1999 йил Алишер Навоий асарларида гиёҳлардан тайёрлаган “мушк анбар” суюқлиги ёқимли ҳид таратувчи аёллар эрмаги деб тавсифланган Қаранг Навоий А. Сабъаи сайёр Ташкент 1965 Б 321

<sup>5</sup> Помир тожикларида ҳам пешхалта тақишган. У металладан ясалиб, учбурчак шаклида учли бўлган ва кўйлакнинг узун ёқасига тақилган. Қаранг Андреев М.С. Таджики долини Хуф. С 172 Пешовуз (тожикчадан олинган қадалган маъносида) Тошкент аёлларининг пардоз буюми сифатида кенг тарқалган. Бу куббасимон идишда коштергич, тирноқ тозалагич, тиш тозалагич ва атир учун идишлар осилчоқ шаклида ясалиб кўйлакнинг узун тик ёқа қисмига қистириб тақилган. Қаранг Бикжанова Б.Н. одежда узбечек Ташкента // Костюм народов Средней Азии Москва 1979 С. 149 Қаранг Илова



Хулоса қилганимизда халқимизнинг соч турмаклаш, пардоз ва оро бериш борасидаги анъанавий усуллари хилма-хил бўлган, уларнинг кўплари ҳозирда аёлларимиз томонидан қўлланилмасида, ўсма, сурма, хина куйиш (табиий гиёҳлардан фойдаланиш) сингари баъзи бир анъанавий косметик усуллар ўзининг ахамиятини йўқотмаган. Соч ўриш, қош териш, юз тозалаш каби пардоз усуллари аёлларнинг ёшлари билан боғлиқ бўлган. Аёлларимиз тўй, байрамларда очик, юз, яланг бош билан юрмасаларда, доимо ораста ва гўзал бўлишга ҳаракат қилишган, «онагни отанга пардозсиз кўрсатма», «дунёни гўзаллик кутқаради» каби халқ мақоллари ҳам аёлларимизнинг доимо ўзларига оро бериб, пардоз қилиб юришлари, уларнинг янада латофатли, гўзал бўлишларига ёрдам беради деган ҳаётий хулосага олиб келади.

### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Андреев М.С. По этнологии Афганистана долина Панджир. Материали из поездки в Афганистан в 1926 Ташкент 1927.
2. Аширов А “Авесто”дан мерос маросимлар.Т.2022
3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинения М 1963 Т 2.
4. Бикжанова Б.Н. Одежда узбечек Ташкента // Костюм народов Средней Азии и Казахстана. Москва 1979 С.
5. Краузе И.О. О косметических средствах туземцев туркестанского края М.1982.
6. Калантаров Я.И. Средназиатские евреи // народы Средней Азии и Казахстана Москва 1962
7. Мерешковский К.С. Отчет об антропологической поездке в Крым в 1880 г. // Изв. Русского географического общества С. Петербург 1881 Т 17 Пип 2
8. Навоий А. Сабъаи сайёр. Ташкент, 1965

9. Русяйкина С.П. Народная одежда таджиков гармской области// Среднеазиатский этнографический сборник Москва-Ленинград 1959 Вип 2 таджиков Верховьев Зарафшана Душанбе 1973
10. Семенов А.А. Этнографические очерки Зерафшанских гор. Каратегин и дарваза Москва 1903
11. Тайлор Э.Б. Первобитная культура Москва 1989
12. Фрезер Ж. Золотая ветвь Москва 1986
13. Шаниязов К.Ш. Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков Т.1989.
14. Фрезер Ж. Золотая ветвь Москва 1986